



МАХСУС ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРДА ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИНИ БАҲОЛАШДА МЕТОДОЛОГИК ЖИҲАТЛАР

Умирзоков Жаъсур Артиқбой ўғли
Тошкент молия институти

Аннотация. Мақолада маҳсус иқтисодий зоналарда инвестиция муҳитини баҳолашда методологик жиҳатлар ёритиб берилган. Гейн-Хейзлернинг инвестиция муҳити жозибадорлигини ифодаловчи терминологик пирамидаси, инвестиция муҳити жозибадорлигини баҳолашнинг "BERI" индекси кабилар ўрганилган. Маҳсус иқтисодий зоналар инвестицион фаоллиги доирасида инвестиция муҳитини баҳолаш кўрсаткичлари аниқланиб, улар таснифланган. Маҳсус иқтисодий зоналар инвестицион фаолигининг инвестиция муҳитини баҳолашдаги аҳамияти шарҳланиб, маҳсус иқтисодий зоналарга берилган солиқ имтиёзларининг инвестиция муҳити жозибадорлигини оширишдаги ўрни тавсифланган. Натижада, инвестиция муҳити жозибадорлигини баҳолашга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калим сўзлар: маҳсус иқтисодий зона, инвестицион фаоллик, тўғридан-тўғри хорижий инвестиция, инвестиция муҳити, инвестиция муҳити жозибадорлиги, Гейн-Хейзлер пирамидаси, инвестиция муҳити хавфсизлиги, инвестиция муҳитини баҳолаш, "BERI" индекси, фискал имтиёз, солиқ имтиёзлари, божхона тарифлари, импортни ривожлантириш ҳудудлари, валюта тизими.

МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ОЦЕНКИ ИНВЕСТИЦИОННОЙ СРЕДЫ В ОСОБОЙ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ ЗОНЕ

Умирзоков Жаъсур Артиқбой ўғли
Тошкентский финансовый институт

Аннотация. В данной статье были описаны методологические аспекты оценки инвестиционной среды в особой экономической зоне. Изучены терминологический пипамид Гайна-Хайзлена, отражающий привлекательность инвестиционной среды, а также индекс «BERI» для оценки привлекательности инвестиционной среды. Определены и классифицированы показатели оценки инвестиционной деятельности и инвестиционной среды особых экономических зон. Объяснено значение инвестиционной деятельности особых экономических зон в оценке инвестиционной среды, а также описана роль налоговых льгот, предоставляемых особым экономическим зонам, в повышении привлекательности инвестиционной среды. В результате разработаны предложения и рекомендации по оценке привлекательности инвестиционной среды.

Ключевые слова: особая экономическая зона, инвестиционная деятельность, прямые иностранные инвестиции, инвестиционная среда, привлекательность инвестиционной среды, индекс Хайна-Хайзлена, безопасность инвестиционной среды, оценка инвестиционной среды, индекс «BERI», фискальное преимущество, налоговое преимущество, таможенный налог, импотентное пивоварение. территория, денежная система.

METHODOLOGICAL ASPECTS IN ASSESSING THE INVESTMENT ENVIRONMENT IN THE SPECIAL ECONOMIC ZONE

*Umirzokov Jasur Artikboy ugli
Tashkent institute of finance*

Annotation. This article was described methodological aspects of assessment of the investment environment in the special economic zone. Have been studied Gain-Haizlep's terminological pipamide representing the attractiveness of the investment environment, as well as "BERI" index for assessing the attractiveness of the investment environment. Were determined and classified that indicators of assessment for investment activity and investment environment of special economic zones. The significance of special economic zone investment activity in the assessment of the investment environment is explained, and the role of tax incentives given to special economic zones in increasing the attractiveness of the investment environment is described. As a result, proposals and recommendations for assessing the attractiveness of the investment environment have been developed.

Key words: special economic zone, investment activity, foreign direct investment, investment environment, investment environment attractiveness, Hein-Heizlep index, investment environment security, investment environment assessment, "BERI" index, fiscal advantage, tax advantage, customs tax, import brewing area, currency system.

Кириш.


Жаҳонда маҳсус иқтисодий зоналар инвестицион фаоллигини ошириш иқтисодиёт тармоқларининг инвестицион жозибадорлигини таъминлаш, ишлаб чиқариш жараёнларини модернизация қилиш ҳамда янги иш ўринларини яратишга эришиш учун алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг World Investment Report ҳисоботида келтирилишича, «147 та давлатларда 5400 дан ортиқ маҳсус иқтисодий зоналар мавжуд бўлиб, 2021 йилда дунё миқёсида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 1,58 трлн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, ушбу инвестициялар оқимида маҳсус иқтисодий зоналарнинг улуши 20 фоиздан кўпроқни ташкил этган» (UNCTAD, 2019). Маҳсус иқтисодий зоналар институционал асосларини такомиллаштириш орқали иштирокчилар сонини кенгайтириш, таъсирчан молиявий қўллаб-қувватлаш механизмларини қўллаш, натижада миллий иқтисодиётга хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этишни фаоллаштиришни талаб қилмоқда.

Маҳсус иқтисодий зоналар нафақат миллий иқтисодиётга, сўнги вақтларда уларнинг трансчегаравий савдо-иктисодий муносабатлар интеграциясини чукурлаштириш мақсадида ташкил этилиши сабабли минтақа иқтисодиётига ҳам инвестицияларни, биринчи навбатда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишда муҳим воситалардан бирига айланаб бормоқда. Бу борада, маҳсус иқтисодий зоналарнинг инвестицион фаоллигини таъминлашда инвестиция муҳитини шакллантириш ва унинг жозибадорлигини таъминлашга алоҳида аҳамият берилаётганлигини кўрамиз.

Адабиётлар шарҳи.

“Инвестиция муҳити жозибадорлиги – мамлакат, тармоқ ва соҳаларга инвестициялар оқимини аниқловчи, таъминлашга имкон берадиган, кафолатланган ҳамда инвестицион фаоллик билан баҳоланадиган иқтисодий, ижтимоий ҳолат, жараён ва воситалар, имконият ва чекловлар йифиндиси (Турсунов, Ражабов, 2021) сифатида таърифланганлигини кўрамиз. Бу йўналишда илмий-тадқиқотлар олиб борган Турсунов, Ражабов (2021) маҳсус иқтисодий зоналарнинг инвестицион фаоллигига

муҳим ўрин тутувчи инвестиция муҳити жозибадорлигини ўрганишда Гарвард бизнес мактаби вакилларидан Гейн-Хейзлерларнинг “инвестиция муҳити жозибадорлигини ифодаловчи терминологик пирамидаси”дан фойдаланиш ўринли эканлигини таъкидлашади (1-расм).



1-расм. Гейн-Хейзлернинг инвестиция муҳити жозибадорлигини ифодаловчи терминологик пирамидаси (Турсунов, Ражабов, 2021)

Юқоридаги расмдан келиб чиқиб айтиш мүмкінки, маҳсус иқтисодий зоналарнинг жозибадор инвестиция муҳитии – бу давлат ва маҳаллий бошқарув томонидан маҳсус иқтисодий зона иштирокчаларининг барча (мұлкий, номулкий) ҳуқуқлари борасидаги норматив-хуқуқий кафолатларнинг таъминланиши, тариф ва нотариф йұналишдаги имиёзларнинг құлланилиши ва ишлаб чиқариш, бозор ва молиявий хизматлар яхлит инфратузилмасининг ривожланиш ҳолатидир.

“Инвестиция муҳити хавфсизлиги” даражасини баҳолаш борасида олиб борилған илмий-тадқиқотларда баҳолаш услублари жумласига қуйидагилар киритилған:

- инвестицион хавфсизликнинг интеграциялашган индексининг моҳияти ва тузилишини аниқлаш (Ash, 2017);
- инвестиция муҳитини баҳолашнинг таҳлил ва тадқиқот үтказилған мамлакатлар намунасини шакллантириш (Bubbico and etc., 2017);
- ретроспекция даври учун маълум бир мамлакатлар намунасига асосланиб, кириш параметрлари тизимини яратиш (Günther, Kristalova, 2016);
- дүнё мамлакатларининг инвестиция муҳити хавфсизлик даражасини баҳолаш ва таҳлил қилиш (Zakharova and etc, 2020);
- мамлакат инвестицион хавфсизлигини юқори даражага олиб чиқиши йўлидаги хусусиятлар ва қонуниятларни тадқиқ этиш(UNCTAD, 2019);
- индексларнинг чегаравий қийматларини белгилаш (Zakharova and etc, 2020).

Тадқиқот методологияси.

Мақолада инвестиция муҳитини баҳолашга доир турли маълумотлар ва шарҳлардан фойдаланилган. Шунингдек, инвестиция муҳити жозибадорлигини баҳолашда махсус иқтисодий зоналар инвестицион фаоллиги доирасида инвестиция муҳитини баҳолаш кўрсаткичлари, инвестицион жозибадорликни баҳолашнинг “BERI” индекси тавсифи, инвестиция муҳити жозибадорлигини аниқлаш омилларга асосланади.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Хорижий мамлакатларда инвестиция киритилишидан аввал ушбу мамлакатдаги мавжуд инвестициявий муҳит баҳоланади ва албатта баҳолаш хуласалари асосида тегишли қарорлар қабул қилинади. Бу борада бир қанча баҳолаш кўрсаткичларидан фойдаланилади. Жумладан, Германия, Швейцария ва бошқа кўпгина иқтисодий жиҳатдан тараққий этган мамлакатлар 15 та кўрсаткичли “BERI” индекси каби баҳолаш кўрсаткичларидан фойдаланиб келинади. “BERI” (*business environment risk index*) индекси – инвестиция киритилиши ўрганилаётган мамлакатдаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳолатдан келиб чиққан ҳолда “қониқарсиз” ва “жуда қулай” категорияли баҳолаш кўрсаткичи ҳисобланади.

Индекс орқали хорижий инвестициялар учун ҳудуддаги инвестицион жозибадорлик баҳоланади. Ушбу индекс бўйича мамлакатдаги ишбилармонлик муҳити борасидаги риск даражаси қўйидаги формула орқали аниқланади:

$$I_{BERI} = \sum_{i=1}^{15} k_i j_i \quad (1)$$

бу ерда: $k_i j_i$ – мос равища i – омилни баҳоловчи мезонларининг баллардаги қиймати ва вазнли коэффициенти (Фозилчаев, Хидиров, 2017).



2-расм. Инвестиция муҳити жозибадорлигини баҳолашнинг “BERI” индекси (Фозилчаев, Хидиров, 2017)

Махсус иқтисодий зоналарнинг инвестицион фаоллиги ўз хусусиятига кўра қулай инвестиция муҳити билан чамбарчас боғлиқ ҳисобланади. Шунга кўра, махсус иқтисодий зоналарнинг инвестиция муҳитини қўйидагилар асосида баҳолаш мумкин:

Махсус иқтисодий зоналар инвестицион муҳитини баҳолаш кўрсаткичлари	<ul style="list-style-type: none"> давлат ҳудудидаги сиёсий мўтадиллик иқтисодий ривожланиш ҳолати валюта конвертация даражаси иш ҳақи миқдори хорижий инвестицияларга давлат бошқарув органларининг муносабати мулкни миллийлаштириш эҳтимоллари валюта курси девальвацияси ва унинг иқтисодиётга эҳтимолий таъсир даражаси инвестицияларни давлат томонидан тартибга солиниши даражаси инвестиция киритилаётган ҳудудлар инфраструктураси ҳолати инвестицияларни қабул қилувчи давлатнинг халқаро кредит рейтинги
---	---

3-расм. Махсус иқтисодий зоналар инвестицион фаоллиги доирасида инвестиция муҳитини баҳолаш кўрсаткичлари⁹⁶

Махсус иқтисодий зоналар ҳудудида қулай инвестициявий муҳит яратишнинг тадбирлари сирасига, ҳудудда коррупцияга қарши қурашиб тизиминининг мавжудлиги, самарали корпоратив бошқарув муносабатлари ташкил этилганлиги ва махсус иқтисодий зона жойлашган давлатда инфляция даражасининг пастлиги кабилар ҳам таъкидланади.

Махсус иқтисодий зоналарнинг инвестиция муҳитини баҳолаш ушбу ҳудудларнинг инвестицион ҳусусиятининг муҳим таркибий қисмларидани бири ҳисобланади. Сабаби, мазкур баҳолаш натижалари махсус иқтисодий зоналарга хорижий инвесторларни жалб этиш имконияти ортади.

Маълумки, инвестицион жозибадорлик қийматини унга таъсир кўрсатадиган омиллар, мавжуд рискларни инобатга олган ҳолда ҳисоблашда бир қатор услублар ишлаб чиқилган. Қайд этилган услубларда олимлар инвестицион жозибадорликни ҳудудий кесимда ёки тармоқ кесимида икки бўлиб аниқлашни тавсия этишган бўлса, бизнинг мисолимизда эса, иккаласи ҳам сўзлашув услугига хос комплекс услуг (формула) орқали изоҳланади:

$$\text{ИЖ}^*_{kj} = X * \text{ИЖ}_{xj} + Y * \text{ИЖ}_{tj} \quad (2)$$


Бу ерда,

ИЖ_{kj} – ёки ҳудуднинг комплекс инвестицион жозибадорлиги;

ИЖ_{xj} – ёки ҳудуднинг маълум бир (таҳлил қилинаётган) ҳудудининг инвестицион жозибадорлиги;

ИЖ_{tj} – ёки ҳудуд маълум бир тармоқининг инвестицион жозибадорлиги; X, Y – ҳар бир инвестицион жозибадорлик кўрсаткичларининг солишишторма оғирлиги (Турсунов, Ражабов, 2021).

⁹⁶ Муалиф томонидан тадқиқотлар натижасида тузилган. (Камалов, 2018)



4-расм. Инвестиция мұхити жозибадорлигини аниқлаш омиллари
(Турсунов, Ражабов, 2021)

Шуни ҳам алоҳида қайд этиш жоизки, маҳсус иқтисодий зоналарнинг ҳудуд иқтисодиётини ривожлантиришдаги ўрнини тасаввур этиш орқали мазкур зоналар инвестицион фаоллигининг аҳамияти қуидагиларда намоён бўлаётганлигини кўрамиз:

Маҳсус иқтисодий зоналарнинг мамлакатнинг бошқа ҳудудларига нисбатан инвестиция мұхити жозибадорлиги хусусиятларини қуидаги жиҳатларда кўриш мумкин:

1) маҳсус иқтисодий зоналарда давлат томонидан қонуний тартибда жорий этилган тариф ва нотариф йўналишдаги имтиёзлар тизими амал қиласи:

- божхона имтиёзлари. Мазкур имтиёзлар аксарият давлатларда ташкил этилган маҳсус иқтисодий зоналар учун мұхим аҳамиятга эга ҳисобаланади. Сабаби, йирик миқдордаги божхона тарифларининг камайтирилиши ҳисобига маҳсус иқтисодий зоналарда ишлаб чиқариш таннархининг пасайтирилишига эришиш мумкин. Кўп ҳолларда, жумладан мамлакаттимизда ҳам мазкур имтиёзлар республика ҳудудида ишлаб чиқарилмайдиган ва импорт ўрнини босувчи товарлар ишлаб чиқариш учун олиб келинадиган асбоб-ускунлар, хомашё материаллари импорти учун қўлланилади. Аҳамиятлиси, аксарият давлатларда импорт фаолиятини рағбатлантириш воситаси ҳам айнан божхона имтиёзлариdir.

Макро даражада

- Республика ва худудлар иқтисодиётига инвестициялар ҳажми ошади;
- Худудий иқтисодий ривожланиш таъминланади;
- Аҳолини самарали бандлиги уларнинг тадбиркорлик фаолиятини бошлашлари орқали таъминланади;
- Юқори кўшилган қиймат занжирини ҳосил қилинади;
- Худуд ва минтақа инвестицион фаоллигининг ошишига эришилади;
- Инвестицион мухит жозибадорлиги ортади.

Микро даражада

- маҳсус иқтисодий зонада ташабbusли тадбиркорлик лойиҳалари самарали молиялаштирилади;
- тадбиркорлик салоҳиятига эга субъектларнинг тадбиркорлик фаолиятини бошлаши учун иқтисодий механизм яратилади;
- саноат зонаси худудида ишлаб чиқариш фаолияти кенгайишига эришилади;
- саноат зонасида иш бошлаган тадбиркорлик субъектларнинг моддий манфаатдорлик даражаси ортишига имконият яратилади.

5-расм. Маҳсус иқтисодий зоналар инвестицион фаоллигининг аҳамияти⁹⁷

Жумладан, “Япониядаги Окинава префектурасидан ташқари барча худудларда эркин савдо худудлари фаолият олиб боради. Эътиборлиси, эркин савдо худудлари ҳам импорт фаолиятини ривожлантириш учун хизмат қиласи, шу сабабли улар “импортни ривожлантириш худудлари” деб ҳам аталади (Каримқулов, 2019). Улар учун маҳсус божхона имиёzlари амал қиласи.

- фискал имтиёzlар, яъни солиқ имтиёzlари. Мазкур имтиёzlар маҳсус иқтисодий зона иштирокичлари учун муҳим аҳамитяга эга ҳисобланаб, турли давлатларда турлича солиқ имтиёzlари белгиланган. Бу, ўз навбатида, мамлакатнинг солиқ қонунчилиги билан чамбарчас боғлиқ ҳисобланади.

- маъмурий ва валюта имтиёzlари. Жумладан, Арманистонда фақатгина эркин иқтисодий худудлар учун конвертация асосида хорижий валютада савдо ишларини олиб боришга рухсат этилган. Бошқа худудларда эса миллий валюта тизими амал қиласи. Қолаверса, эркин иқтисодий худудлар учун “ягона ойна” тамойили асосида давлат интерактив хизматлари кўрсатиб келинмоқда.

- квоталаш, лицензиялаш, стандартлаштириш, сертификациялаш ва бошыя нотариф йўналишдаги имтиёzlар. Ушбу йўналишдаги имтиёzlарнинг аҳамиятли жиҳати шундан иборатки, бу йўналишда бир мамлакат интеграциялар доирасида келишилган ҳолда имтиёzlар тури ва қўллаш соҳасини белгилайди, яъни тўла мустақил ҳолда белгилаши маҳсус иқтисодий зонанинг инвестицион фаолиятини чегаралаб қўйиши мумкин. Айниқса, ташқи савдо худудларининг инвестицион фаоллиги мазкур йўналишдаги имтиёzlарга “ўта сезгир” ҳисобланади.

⁹⁷ Муалиф томонидан тадқиқотлар натижасида тузилган.

1-жадвал

Махсус иқтисодий зоналарга берилган солиқ имтиёзлари
 (Рашидов, 2017, Лешина, 2007)

Давлатлар	Махсус иқтисодий зона түри	Номи	Берилган асосий солиқ имтиёзлари
Америка Күшма Штатлари	Эркин савдо зоналари	Импорт қилинган компонентларга солиқтарни камайтириш	
	Эркин тадбиркорлик зоналари	Солиқ имтиёзлари ва соддалаштирилган ҳисбот	
	Технология парклари	“Силикон водийси”	Кредит беришнинг имтиёзли шартлари ва ижара ҳақидан чегирмалар
Япония	Технополислар	“Сакаиминато”	Тезлаштирилган амортизация
Ирландия	Мажмуавий зона	“Шенон”	ижара ҳақи ва солиқ имтиёзлари
Хитой	Махсус иқтисодий зона	“Шэнъчжэнь”	Божхона ва солиқ имтиёзлари, даромад солиғи ставкаси 10%, ижара ва ер солиғи бўйича имтиёзлар (ҳар бир км ² 15-20 \$)
Бразилия	Эркин ишлаб чиқариш зонаси	“Манаус”	ер солиғини тўлашдан озод қилиш, машина ва ускуналар импортига солиқлар, бож имтиёзлари, мажбурий шарт-маҳаллий хомашёдан фойдаланиш
Бирлашган Араб Амирлиги	Эркин савдо зонаси	“Джабел-Али”	даромад солиғидан ва бошқа солиқлардан 15 йилга озод қилиш
Жанубий Корея	Агрополислар	“Масан”	ижара ҳақи ва солиқ имтиёзлари
Россия	Эркин божхона зонаси	“Гавань”	бож тўлови ва солиқ имтиёзлари
	Илмий - тадқиқот зона	“Находка”	барча солиқлар

2) махсус иқтисодий зоналар инвестицион хусусиятига кўра бошқа ҳудудларга нисбатан ривожланган ва олдиндан шакллантирилган қулай инфратузилма тармоқларига эгadir. Инфратузилма тармоқлари асосан ишлаб чиқариш, бозор ва хизмат кўрсатиш каби турларга бўлинган ҳолда намоён бўулди. Шунингдек, айrim давлатларда инфратузилма тармоқларини шакллантириш ва ривожлантириб бориш давлатнинг молиявий кўмагида амалга оширилади. Ушбу йўналишдаги ижобий натижаларни Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳри мисолида кўриш мумкин. Дастлабки босқичда қуруқ саҳродан иборат шаҳарда қулай инфратузилма тармоқларини барпо этиш ҳисобига инвестицион фаолликнинг мисли кўрилмаган даражада ўсишига ижобий таъсир этганини кўриш мумкин. XX асрнинг сўнгги бир неча ўн йилликларида Дубай хукумати транспорт инфратузилмасининг бошқа турларига катта миқдорда сармоя кирита бошлади. 1970-йилларгача Амирликнинг йўл тармоғи нисбатан кам ривожланган эди. 1973 йилда Дубай ва Абу Дабини боғлайдиган биринчи

йўл қуриб битказилди ва ҳар бир Амирлик ўзларининг умумий чегараларига йўл қурди. Жебел Али очилиши билан бир қаторда, давлат 1970 йилнинг охирида портнинг Арабистон ярим оролига кириш эшиги сифатида ўсиб бораётган мақомини қўллаб-қувватлаш учун бир қанча йирик йўл лойиҳаларига сармоя киритилди. Амирликнинг темир йўл сегменти 1990 йилларнинг ўрталарида Дубай портлари, божхона ва еркин зонаси корпорацияси минтақадаги темир йўл алоқалари салоҳияти бўйича техник-иктисодий асослашни топширганида шаклланди. Ҳозирги кунда қулай инфратузилманинг яратилганлиги мазкур ҳудуnung инвестицион фаоллигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга омиллардан биридир. Ушбу йўанлишда республикамизда ҳам муҳим жиҳатлардан бири – Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 февралдаги “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, махсус иқтисодий зонани ривожлантириш дастури ишлаб чиқариш инфратузилмасини яратишни, муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш дастурларини таъминлашни, бозор инфратузилмасини яратишни (ЎРҚ-604-сон, 2020) ўз ичига олиши билан ташкил этилган ҳудуд инвестицион фаоллигини ижобий таъсир кўрсатади (Қонун, 2020). Бундан ташқари, “хужжатда инфратузилма объектларини қуриш ёки қайта таъмирлаш ишлари марказлаштирилган ҳамда номарказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштирилиши мумкинлиги назарда тутилган. Зарур инфратузилма билан таъминлаш уларнинг самарали ишлаши ва янги инвесторлар ва тадбиркорларни ўз ҳудудларида лойиҳаларни амалга оширишга жалб қилишнинг асосий омили ҳисобланади. Шу муносабат билан, 2021 йилда мавжуд махсус иқтисодий зоналарни муҳандислик-коммуникация тармоқлariiga улаш бўйича ишларни бажариш учун 890 млрд сўм ажратилиши (Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги маълумотлари) ҳисобига инфратузилма тармоқлари ҳолатини яхшилашга эришилган.

3) Махсус иқтисодий зона инвестиция муҳити жозибадорлиги хусусиятларининг муҳим жиҳатларидан яна бири – ҳудудга давлатнинг маъмурий аралашув даражасининг чекланганлигидир.



6-расм. Махсус иқтисодий зона дирекциясининг фаолияти⁹⁸
(Қонун, 2020)

⁹⁸ Муаллиф томонидан қонун хужжатлariiga асосан тузилган

Ушбу худудларнинг фаолияти оператив бошқарув ҳуқуқи билан турли тузилмалар (дирекция, маъмурий кенгаш, таъсис кенгашлари, нодавлат ташкилотлар) томонидан бошқарилиши билан аҳамиятлидир. Бу борада, Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 февралдаги “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида”ги ЎРҚ-604-сон Қонунига мувофиқ, мамлакатда ташкил этилган махсус иқтисодий зоналарни оператив бошқариш юридик шахс мақомида ташкил тилган давлат унитар корхоналари – махсус иқтисодий зоналар дирекцияси томонидан амалга оширилиши белгиланган (Қонун, 2020).

4) махсус иқтисодий зоналардаги инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши уларнинг инвестицион хусусиятида муҳим ўринга эга. Бу йўналишда мамлакатимизда ташкил этилган ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналаридаги инвестицион лойиҳаларни молияқий қўллаб-қувватлаш мақсадида Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига юридик шахс мақомига эга бўлмаган Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилган. “Жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган инвестиция лойиҳалари доирасида:

- молиявий ресурслар тижорат банклари томонидан бир ёш тадбиркорлик субъекти учун бир йўла 100 минг АҚШ доллари эквивалентидан ошмаган миқдорда 7 йилгача муддат билан тақдим этилади;

- қиймати 100 минг АҚШ доллари эквивалентигача бўлган инвестиция лойиҳалари Жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади, ундан ошган қисми эса ушбу қарорда назарда тутилган имтиёзларсиз, тижорат банклари орқали умумий тартибда тақдим этилади;

- тижорат банкларига инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун молиявий ресурслар Жамғарманинг мавжуд маблағлари доирасида, миллий валютадаги кредитлар бўйича йиллик 10 фоиз, хорижий валютадаги кредитлар бўйича йиллик 2 фоиз ставкалари билан тақдим этилади;

- тижорат банклари миллий валютадаги кредитларни ўз маржаси миқдорини 4 фоиздан оширмасдан йиллик 14 фоиз, хорижий валютадаги кредитларни – ўз маржаси миқдорини 1 фоиздан оширмасдан йиллик фоиз ставкасини 3 фоиз миқдорида белгилаган ҳолда ажратади (Қарор, 2021)”.

5) ривожланган давлатлар учун ривожлананаётган ва иқтисодий жиҳатдан ривожланмаган давлатларда ташкил этилган махсус иқтисодий зоналар “арzon ишчи кучи” мавжуд бўлган ва ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш воситаси эканлиги махсус иқтисодий зоналарнинг инвестицион хусусиятларидан бири ҳисобланади. Жумладан, АҚШнинг йирик трансмиллий корпорацияларининг инвесторлари томонидан Хитойда ташкил этилган махсус иқтисодий зоналарда ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш орқали арzon ишчи кучидан фойдаланади. Шунингдек, Лотинг Америкаси (Бразилия) ва Осиё давлатлари (Малайзия, Гонконг, Тайван)да фаолият олиб борувчи махсус иқтисодий зоналарга йирик трансмиллий корпорациялар ўз ишлаб чиқаришларини ташкил этиш билан арzon ишчи кучидан фойдаланади.

6) махсус иқтисодий зоналар орқали ташқи бозорларни эгаллаш, экспорт фаолиятини йўлга қўйиш ва фаоллаштириш, “денгизга чиқиш” имкониятига эга бўлиш ҳам ушбу зоналарнинг муҳим инвестицион хусусиятлари туркумига киради. АҚШ, Япония, Франция каби ривожланган давлатлар ўз капиталини ҳаракатга келтириши оқибатида бошқа ривожланган давлатлардаги махсус иқтисодий зоналарга инвестиция киритиш орқали одатда бошқа минтақалардаги бозорларни эгаллаш имкониятига эга бўлади. Бу орқали улар арzon транспорт коридоридан ҳам унумли фойдаланиш орқали

маҳсулот таннархини камайтириб, маҳсулотларни тезда сотиш имкониятини “қўлдан бермайди”. Шунингдек, дунёда 30 дан ортиқ денгизда чиқиш имкониятига эга бўлмаган давлатлар (landlocked countries) мавжуд бўлиб, улар ер юзидағи давлатларнинг чегаларининг 11,4 фоизини, аҳоли сони бўйича деярли 7 фоизни ташкил этади (UNCTAD. List of Landlocked Developing Countries)⁹⁹.

7) маҳсус иқтисодий зоналарнинг муҳим турларидан ҳисобланган оффшор бизнес марказларининг инвестицион хусусияти шундан иборатки, мазкур молия марказларида солиқ ва бошқа тўловларнинг минимал қийматидан ташқари, даромад манбаларининг очиқланиши талаб этилмаслиги, уларнинг қатъий сир сақланиши, оффшор ҳудудлардаги бизнес фаолиятида ҳисобот сиёсатининг либерал хусусиятга эга эканлигидир. Қолаверса, мазкур ҳудудлар “айланма инвестициялар” учун қулай тўпланиш маркази ҳамдир. Бу ҳақида диссертация тадқиқотининг кейинги параграфида батафсил кўриб чиқилади.

Хулоса ва таклифлар.

Маҳсус иқтисодий зоналарда инвестиция муҳити жозибадорлигини баҳолашда инвестиция муҳити хавфсизлик даражасини баҳолаш, биринчи навбатда, умумий макроиқтисодий динамиканинг содир бўлиши мумкин бўлган ёмонлашувга қарши чоралар қўллаш имконини беради. Мазкур тадқиқот асосида қуйидаги таклифларни амалиётга жорий этиш инвестиция муҳити жозибадорлиги ва унинг хавфсизлигини таъминлашда ижобий самарасини беради, деб ҳисоблаймиз:

- республика ҳудудларини “инвестиция муҳити хавфсизлигини баҳолашнинг интеграцион индекси”ни ишлаб чиқиш ва орқали баҳолаш асосида инвестиция муҳитига салбий таъсир этувчи рискларни аниқлаш. Мазкур рискларни бартараф этишга қаратилган дастлабки чораларни кўриш;
- инвестиция муҳитини баҳолаш орқали “ҳудудлар инвестиция муҳити жозибадорлиги рейтинги”ни чораклик ва йиллик эълон қилиб бориш;
- инвестиция муҳити жозибадорлигини ошириш мақсадида берилган солиқ, божхона ва бошқа маъмурий-молиявий имтиёзлар самарадорлигини баҳолаш. Баҳолаш натижаларига кўра, имтиёзлар самарадорлигини ошириш, уларнинг сонини оптималлаштириш.

Адабиётлар / Литература / Reference:

Ash, S. (2017). Opportunities and risks for investors in central and east Europe. *Financial Times*.

Bubbico, R., Gattini, L., Gereben, Á., Kolev, A., Kollár, M., & Slacik, T. (2017). Wind of change: Investment in Central, Eastern and South Eastern Europe. European Investment Bank.

Günther, J., & Kristalova, M. (2016). No Risk, No Fun? Foreign Direct Investment in Central and Eastern Europe. *Intereconomics*, 51(2), 95-99.

United Nations. (2019). *World Investment Report: Special Economic Zones*. United Nations Conference On Trade and Development (UNCTAD). United Nations Publications. <https://worldinvestmentreport.unctad.org/world-investment-report-2019/chapter-4-special-economic-zones/>

Zakharova O., Bezzubchenko O., Mityushkina K., Nikolenko T. (2020). Assessment of countries' international investment activity in the context of ensuring economic security. *Problems and Perspectives in Management*, 18(4), 72-84.

Каримкулов Ж.И. Эркин иқтисодий ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб қилишни ривожлантириш йўналишлари. 08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит»

⁹⁹ UNCTAD. List of Landlocked Developing Countries. <https://unctad.org/topic/landlocked-developing-countries/list-of-LLDCs>

Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. Тошкент – 2019. 244 б

Камалов М.М. Эркин иқтисодий зоналарнинг ҳуқуқий мақоми. Ўқув қўлланма.
– Тошкент: ТДЮУ, 2018. – 116 бет.

Қарор (2021) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 апрелдаги “Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари фаолиятини ташкил этиш ҳамда ёшларнинг тадбиркорликка оид ташаббусларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5088-сон қароридан. <https://lex.uz/docs/5383002>

Қонун (2020) Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 февралдаги “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида”ги ЎРҚ-604-сон Қонуни. <https://lex.uz/docs/4737511>

Қонун (2020) Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 февралдаги “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида”ги ЎРҚ-604-сон Қонуни. <https://lex.uz/docs/4737511>

Лешина И.Е. (2007) Развитие особых-экономических зон при обеспечении экономической безопасности Дисс. автореф. ... и.ф.н. Москва. -24 б.

Рашидов М.К. (2019) Минтақа иқтисодиётини эркин иқтисодий зоналар фаолигининг жаҳон тажрибасини умумлаштириш асосида ривожлантириш. 08.00.12 – “Минтақавий иқтисодиёт” ихтисослиги бўйича Иқтисод фанлари доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. Тошкент;

Турсунов К.Б., Ражабов Н.Р. (2021) Инвестиция муҳити жозибадорлигини бошқаришни таомиллаштириш. Монография. -Т.: “Инновацион ривожланиши нашриёт-матбаа уйи”, 212 бет.

Фозилчаев Ш.Қ., Хидиров Н.Ғ. (2017) Инвестиция ва лизинг асослари: Ўқув қўлланма.
-Тошкент. “IQTISOD-MOLIYA”. 57-бет.